УДК 94 (575.1)

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА АГРАР МУНОСАБАТЛАРДА СОЛИҚ СИЁСАТИ

М.Ғ. Абдуллаев

Мақолада Амир Темур давлатидаги солиқ сиёсати, салтанат қишлоқ хўжалигида мавжуд солиқлар ва уларни тўплаш тартиблари тарихий манбалар асосида таҳлил этилган. Амир Темурнинг деҳқон хўжаликларига нисбатан адолатли солиқ сиёсати олиб борганига доир аниқ мисоллар келтирилган. Темурийлар даврида солиқ сиёсатидаги трансформацион жараёнлар, Мовароуннаҳр ва Хуросон темурий ҳукмдорлари томонидан жорий этилган қишлоқ хўжалик солиқлари миқдори ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: *Амир Темур, темурийлар, солиқ, солиқ тизими, хирож, ер эгалиги, "Темур тузуклари", Мовароуннаҳр, Хуросон, зироатчилар, қишлоқ хўжалиги.*

В статье проанализированы на основе исторических источников налоговая политика в государстве Амира Темура, сельскохозяйственные налоги и порядок их сбора. Приведены конкретные приме-ры по проведению Амиром Тимуром справедливой налоговой политики в отношении дехканских хо-зяйств. Обобщены данные о трансформационных процессах в налоговой политике в период Тимуридов, о размерах сельскохозяйственных налогов, введенных правителями Мавераннахра и Хорасана.

Ключевые слова: *Амир Тимур, тимуриды, налоги, налоговая система, харадж, землевладение, «Уложение Темура», Мавераннахр, Хорасан, земледелец, сельское хозяйство.*

Амир Темур ва темурийлар даврининг солиқ тизими, хусусан, аграр муносабатлар билан боғлиқ солиқ терминологияси тарихшуносликда нисбатан кам ўрганилган муаммолардандир. Кўриб ўтилаётган давр солиқ тизимининг айрим масалалари В.В.Бартольд, А.А.Молчанов, С.А.Азимжонова ва Н.Маҳмудовларнинг тадқиқотларида [1, 2, 3, 4, 5] маълум даражада ёритиб ўтилган. Ушбу мақолада мавжуд ҳужжатли ва тарихий манбалар асосида жамланган маълумотлар Амир Темур ва темурийлар даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалда бўлган солиқ тизими ва солиқлар ҳақида муайян тушунча ҳосил қилиш имконини беради.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгалигининг асосан тўрт шакли: мулки девоний – давлат ерлари, мулк – хусусий ерлар, мулки вақф – мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар ва жамоа ерлари мавжуд эди. Амир Темур даврининг асосий ер солиғи худди аввалги асрлардагидек хирож (Амир Темур даври манбаларида "мол" атамаси хирожнинг синоними сифатида қўлланган) бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур Мовароуннаҳр қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган барча воситалардан фойдаланган ва имкон қадар соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрган. Чунончи, Амир Темур "Тузуклари"да шундай ёзади: "Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради. Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, турли кўнгилсиз ҳодисалардан амну омонликда бўлсин, унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар акс ҳолда хирожни тузукка мувофиқ йиғсинлар" [6. Б. 98].

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур қўл остидаги зироаткор халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун ўз вақтида деҳқонларни хирож солиғидан озод қилгани ҳақида тарихий манбалар гувоҳлик беради. Мирзо Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон туғилиши муносабати билан ҳижрий 796 йил шаввол ойида (милодий 1394 йил август) Амир Темур бутун салтанатдаги деҳқонларни бир йил муддатга хирож солиғидан озод қилган [7. Б. 134]. Амир Темур беш йиллик ҳарбий юришидан (1392–1396) Самарқандга қайтганидан кейин деҳқонлар (раият) га солиқ борасида адолатсизлик қилган амалдорларни қаттиқ жазолаб, деҳқонлардан уч йил мобайнида хирож олинмаслиги ҳақида фармон чиқаргани тўғрисида ҳам манбаларда маълумотлар бор. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида бу воқеа шундай баён этилади: "Зулмдорлар ва мутағаллибларни банди қилиб, аёғлариға кунда солиб, бўюнлариға душоха солиб, яхши иззалар қилди. Ва баъзини ўлдуруб, хонумонини талон қилдурди ва уч йиллик молу-харжини раъойаға бағишлади. Ва ҳар вилоятда бир яхши кишини юбордиким, "Раъойо аҳволидин хабардор бўлгай ва ҳар вилоятдаким фақиру мискин ва дарвешу мустаҳақ бўлса йиғиштируб, йиллик озуқ ва тўн ва кунгалак танабон ва кафш ва этук ва фўта ва дастор берсунлар ва қишлиқ ва ёзлиқ тўнлар берсунлар" [7. Б. 186]. Гарчи ушбу маълумотда аҳолиси хирождан озод қилинган ҳудуд номи аниқ

келтирилмаган бўлса-да, бу бутун мамлакатга эмас, балки фақатгина Самарқандга тегишли, деб тахмин қилиш мумкин. Маълумки, Ибн Арабшоҳ Амир Темурни ёмон кўрган, унинг шахсиятига нисбатан аксарият душманларча муносабатда бўлган. Лекин бунга қарамай, у ўз асарида холислик билан ёндашиб, Амир Темур беш йиллик юришдан Самарқандга қайтиб келганидан сўнг аҳолини бож ва хирож ундиришдан озод қилганини эълон қилган ва амалдорларига оддий фуқароларга нисбатан зулмга йўл қўймасликни буюрганини ёзиб қолдирган [8. Б. 210].

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Амир Темурга ҳукмронлигига ихтиёрий бўйсуниб, шу орқали ўз ҳокимиятини сақлаб қолган мамлакатлар ҳокимлари Амир Темурга тўлаб турадиган бож миқдори икки ўртада тузилган шартномаларга мувофиқ белгиланган. Хусусан, Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича, Ғилон ўлкаси Амир Темур салтанатига бўйсунганидан кейин ушбу мамлакат учун йиллик хирож 10 минг ман ипак миқдорида белгиланганки, бу 15 минг Ҳирот мани, 7 мингта от ҳамда 3 мингта сигир қийматига тенг бўлган. Бу миқдордаги хирож Ғилондек мамлакат учун ҳаддан ташқари кўп бўлганлиги сабабли бир муддат вақт ўтгач, ғилонлик машҳур ҳоким Саййид Ризо Амир Темур ҳузурига келиб, хирож миқдорини камайтиришни илтимос қилган. Амир Темур унинг илтимосини қондириб, хирож миқдорини тенг ярмига камайтиради. Ғилоннинг бошқа ҳокимликлари учун эса хирож миқдори учдан бир қисмга камайтирилади [9. Б. 294–295]. Манбаларда Амир Темур ҳукмронлиги даврида хирож фақат маҳсулот кўринишида ундирилгани тўғрисида хабарлар учрайди. Бироқ бир қатор маълумотлар солиқлар пул билан ҳам ундирилгани ҳақида далолат беради. Жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Амир Темур Хурмузни эгаллаганидан кейин бу минтақа учун йиллик хирож 300 минг динор миқдорида белгиланган. Бироқ кейинчалик Хурмуз ҳукмдори Муҳаммадшоҳ Амир Темурга исён кўтариб, тўрт йил мобайнида хирож тўлашдан бош тортади. Беш йиллик юриш пайтида Амир Темур Хурмузни қайтадан забт этиш учун Муҳаммад Султон бошчилигида қўшин юборади. Муҳаммадшоҳ Муҳаммад Султонга мағлуб бўлиб, Амир Темурга яна қайта итоат этишга мажбур бўлади ва тўрт йиллик хирожни бирданига пул ва қимматбаҳо заргарлик буюмлари билан тўлайди [7. Б. 218].

Шу муаллифнинг баён қилишича, Амир Темур етти йиллик юришдан қайтиб келгандан сўнг Хуросон хирожини Самарқандга олиб келиш учун Хожа Аҳмад Тусийни у ерга юборган. Хожа Ахмад қирқ кун мобайнида Хуросоннинг солиқ мансабдорларидан 200 минг кепакий динор миқдорида хирож йиғади [7. Б. 345].

Амир Темурнинг солиқ йиғиш борасидаги сиёсатини тавсифлаш учун марказий ҳукумат томонидан белгиланган меъёрларни бузган ҳолда, оддий аҳолидан ноқонуний тўловлар ундирган солиқ мансабдорларининг жазоланиш ҳолатларини қайд этиб ўтмоқ лозим. Амир Темур 1404 йили етти йиллик юришдан қайтиш пайтида Мурғоб дарёси бўйида тўхтаганда, Чичикту аҳолиси унга доруғаларнинг солиқ борасидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларидан шикоят қилишган. Амир Темурнинг амри билан халққа зўравонлик қилган доруға шу ондаёқ дорга осилган [10. Б. 218]. Самарқандга етиб келганидан кейин унинг йўқлигида аҳолидан ортиқча тўловлар ундирган барча солиқ ҳисобчилари ва амалдорлар қаттиқ жазоланади. Ҳатто Амир Темурнинг етти йиллик юриши даврида жоме масжиди қурилишига масъул бўлган девон амалдорларидан Хожа Маҳмуд Довуд билан Муҳаммад Жалд молиявий суиистеъмолликлари учун қўлга олиниб, Конигилдаги тўй тантаналарида дорга осилган [10. Б. 218].

Амир Темур тарихи баён этилган қатор манбаларда Амир Темурнинг бир қатор фармонлари матнлари ҳам келтириладики, уларда маҳаллий ҳокимлар ва солиқ амалдорлари раиятдан солиқ йиғишда мавжуд меъёр ва қоидаларни суиистеъмол қилишларига йўл қўймасликлари қатъий уқтирилган. Жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг яна гувоҳлик беришича, Амир Темур Хитойга ҳарбий юришга отланар экан, ҳар бир шаҳзода, ҳоким ва доруға номига махсус фармонлар ёзишни буюрган ва бу фармонларни мамлакатнинг барча ҳудудларига юборган. Уларда Темур маҳаллий ҳукмдорлардан деҳқонлар ва барча фуқароларга нисбатан адолатга риоя қилишни, солиқ йиғишда ҳаддан ошишларга йўл қўймасликни, раиятнинг тинч яшашини таъминлашни талаб қилади [7. Б. 194].

Юқорида келтирилган фикрлар ва мисоллар Амир Темурнинг оддий фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, уларга нисбатан адолатсизлик қилинишининг олдини олганини кўрсатади. Бу бежизга эмасди, чунки Амир Темур солиқ тўловчи оддий халқ мамлакатнинг асл таянчи эканини англаб етган. У Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритгунга қадар содир бўлган маҳаллий ҳокимлар ва алоҳида уруғ-қабила бошлиқларининг ўзаро урушлари Мовароуннаҳрда минглаб деҳқонлар хўжалигининг хонавайрон бўлишига олиб келгани, бу ўз навбатида бутун мамлакат иқтисодиётини ночор аҳволга келтириб қўйганини ўз кўзи билан кўрган ва тушуниб етган эди. Шу сабабли ҳам ўша пайтларда мавжуд бўлган кўп сондаги солиқ ва тўловларни ундириш катта қийинчиликлар ва турли кўнгилсизликлар билан амалга ошар эди. Ўзўзидан маълумки, Амир Темур бундай сиёсат юритар экан, энг аввало, мамлакат ободончилигини ва халқ манфаатини кўзлаган эди. У солиқ амалдорларининг ўз вазифаларига нисбатан суиистеъмолликлари давлат хазинасига келиб тушадиган солиқларнинг одатдаги оқимини заифлаштиришини ҳам англаган. Соҳибқироннинг бу борадаги чоратадбирлари ҳам маҳаллий ҳукмдорлар ва йирик феодалларнинг итоатсизлигига, рухсатсиз ҳара-

катларига қарши қаратилган бўлиб, бу аввало, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Айни пайтда бу чора-тадбирлар, маълум даражада деҳқонларнинг, биринчи навбатда, Мовароуннаҳрнинг вайрон бўлган хўжалигини тиклашга катта таъсир кўрсатди. Яъни, солиқ сиёсатининг адолатли юритилиши деҳқонларнинг ўз хўжаликларини тиклаши ва ривожлантиришларида муҳим омил ҳамда рағбат бўлди.

А.Ю.Якубовский Ўрта асрларда Ўрта Осиё тарихини даврлаштириш масаласига тўхталиб, XIV аср охири – XV аср Ўрта Осиё тарихида ўзига хос алоҳида ўрин тутишини жуда тўғри кўрсатиб ўтган. Агар мўғуллар ҳукмронлиги даврида хон ҳокимияти ва алоҳида шахсларнинг феодал эксплуатацияси ўзининг шафқатсизлиги билан мисли кўрилмаган даражага кўтарилган бўлса, кейинроқ Амир Темур ва темурийлар даврида бошқарув феодал давр учун анча илғор ва адолатли кўриниш олди. Бундай шароитда деҳқонлар кимга, қачон ва қанча солиқ тўлашининг аниқ кафолати бўлган ва деҳқонлар ўзлари бажарадиган вазифаларни ҳам аниқ билганлар [11. Б. 42–43].

Амир Темур вафоти ва Мирзо Шоҳрух ҳокимияти ўрнатилганидан кейин мамлакат солиқ тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлмади. Афсуски, бу давр тарихий манбаларида деҳқонлардан ундириладиган хирож миқдори ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Катта эҳтимол билан Шоҳрух даврида ҳам хирож миқдори Амир Темур давридаги миқдорда бўлган, дея хулоса қилиш мумкин. Тўғри, манбаларга кўра Мирзо Шоҳрух ҳукмронлигининг бошида айрим маҳаллий ҳукмдорлар ва солиқчилар томонидан солиқ тўловчиларга нисбатан суиистеъмоллик ва тазйиқлар бўлган. Бироқ тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Шоҳрухнинг машҳур вазири Хожа Ғиёсиддин Пир Аҳмад Хавофий қарийб ўттиз йил бу лавозимда ишлаб, ўз вазифасига шундай масъулият билан ёндашганки, бунинг натижасида давлат хазинасига ҳам зиён етмаган, солиқ тўловчи оддий фуқароларга ҳам ортиқча зулм етказилмаган [5. Б. 72].

Эътиборли жиҳати шундаки, Мирзо Шоҳрух даврида тобе мамлакатлар ва вилоятлар ҳукмдорлари зиммасига келишув бўйича бўйича юклатилган солиқ ва мажбуриятлар миқдори Амир Темур давридагидек тартибда, деярли ўзгаришсиз қолдирилган. Чунончи, Темур вафотидан кейин Бадахшон ҳукмдорлари темурийлар ҳокимиятидан озод бўлишга уриниб, муваффақиятсизликка учраганларидан кейин ҳар йили аввалгидек солиқ ва тўловларни Мирзо Шоҳрух ҳокимиятига Темур даврида белгиланган миқдорларда тўлаб бориш мажбуриятини оладилар [5. Б. 72]. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Шоҳрух даврида ҳам ер солиғи (хирож) аввалгидек маҳсулот шаклида ҳам, нақд пул кўринишида ҳам ундирилган. Масалан, Мозандарон ҳокимларидан ҳар йили "қизил ва оқ ипакдан 40 харвор"*, миқдорида хирож олиш белгиланган, бундан ташқари уруш даврида Мозандарон халқ лашкари учун 600 аскар ва аскарлар таъминоти учун улуфа шаклида 600 туя харвори ҳажмида ғалла етказиб бериши керак эди [12. Б. 347]. Бошқа бир томондан эса Форс ўлкаси учун хирож (мол) 1100 туман миқдорида белгиланган [13. Б. 207].

Мирзо Шоҳрух даврида Мирзо Улуғбек ҳукмдорлигидаги Мовароуннаҳрдаги иқтисодий вазият В.В. Бартольд томонидан қуйидагича тавсифланади: "Мусулмон дини бўйича барча қарорлар диний қоидалар бўйича белгиланадиган нуқтаи назардан баҳо берганда, Улуғбек идеал ҳукмдор бўлмаган, бироқ айни пайтда у ўз манфаатларини диний қоидаларда белгиланганидан устун қўювчи золим ҳам бўлмаган... Давлатшоҳ Самарқандийнинг сўзларига кўра, Мирзо Улуғбек ҳукмдорлиги даврида ер солиғи энг паст даражага туширилган ва бу, албатта, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳолининг фаровонлигига ҳисса қўшган [1. Б. 106]. 1447 йилда Мирзо Шоҳрух вафотидан кейин унинг меросхўрлари ўртасидаги ўзаро урушлар ва маълум темурий шаҳзода томонидан ҳокимиятни қўлга киритилиши даврида аҳолидан ҳаддан ташқари ортиқча солиқлар ундириш, раиятга зулм қилиш ҳолатлари тез-тез содир бўлиб турган. Ҳар бир шаҳзода маълум бир ҳудудда ҳокимиятни қўлга киритиб олганидан кейин, ўз қўшинлари таъминотига маблағ топиш учун аҳолидан ноқонуний солиқ ва тўловлар ундиришга зўр берганлар. Бу каби солиқларни ундиришда табиий равишда улар кўпинча зўравонлик усулларини қўллаганлар. Айрим пайтларда муайян вилоятларда шаҳзодалар ҳокимияти тез ўзгариши муносабати билан аҳолидан бир вақтнинг ўзида бир неча бор солиқ ундирилиши ҳолатлари юз берган.

1457 йилда Абулқосим Бобур вафотидан кейин вужудга келган темурийлар ўртасидаги ўзаро урушлар сабабли Ҳирот деҳқонларидан бир йилда уч марта хирож ундирилган. Яъни, даставвал Мирзо Шоҳмаҳмуд томонидан хирож йиғилган бўлса, у ҳокимиятни бой берганидан кейин Ҳирот ҳукмдорлиги Мирзо Иброҳим қўл остига ўтгач, такрор хирож йиғдирилган. Бироқ унинг ҳукмронлиги ҳам қисқа муддатли бўлиб чиқади ва бир йил ичида учинчи бор хирож Мирзо Абу Саид томонидан йиғилади. Бундан кўп ўтмай 1458 йилда Хуросонда қисқа муддатга Мирзо Иброҳимнинг ҳокимияти қайта тикланганида, у дарҳол бу йилги хирожни йиғиб олишга буйруқ беради. Бироқ тез орада Хуросонни Озарбайжон ҳукмдори туркман Мирзо Жаҳоншоҳ босиб олади. Иброҳим Мирзо бу йилги хирожни йиғиб бўлганига қарамай, Мирзо Жаҳоншоҳ хут ва ҳамал ойларида халқдан яна хирож йиғиб олишни буюради [13. Б. 211].

*Харвор – бир эшак юки. XIII–XIV асрларда бир харвор Табриз ўлчови бўйича юз маннга тенг бўлган, бир ман эса тахминан 3 килограммга тенг эди. Бунга кўра бир харворни ўртача 300 кг.га тенг дейиш мумкин.

Солиқларнинг бу каби такроран йиғилиши деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг хонавайрон бўлишига олиб келди, бунинг натижасида мамлакатда очарчилик бошланди. Қаттиқ очарчилик бутун Хуросонни, айниқса, Ҳиротни қамраб олган, ҳар куни 70–80 талаб одамлар очликдан нобуд бўлган. Мирзо Абу Саид ҳукмронлигининг кейинги йилларида унинг ҳокимиятининг босқичма-босқич мустаҳкамланиши муносабати билан мамлакатда бирмунча тинч вазият тикланди. Мирзо Абу Саид халқдан солиқ ва турли тўловларни йиғишда амалдорлар томонидан бўладиган ўзбошимчалик ва зўравонликнинг олдини олишга ҳаракат қилди. Бу борада ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда айбдорлар жазоланиб, ноқонуний ундирилган тўловлар аввалги эгаларига қайтарилган. Масалан, солиқчилар Қусуя деҳқонларидан қонунда белгиланганидан кўпроқ маблағ ундириб олганликлари ҳақида Абу Саидга хабар берилгач, у ортиқча йиғилган суммани солиқ тўловчиларга қайтаришни буюрган.

Мирзо Абу Саид вафотидан кейин Хуросон мамлакатида ҳокимият учун кураш яна авж олганида солиқларнинг белгиланган нормасини бузиш ҳоллари тез-тез учраб турган. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгач, оғир аҳволда қолган фуқароларини турли тўловлардан икки йил муддатга озод қилади [5. Б. 74].

Султон Ҳусайн Бойқаро ўз ҳукмронлигининг бошида Хожа Абдуллоҳ Ансорий қабрини зиёрат қилиш чоғидаги тантанали маросимда Ҳиротнинг молия ва солиқ ишларини юритишга масъул бўлган Мавлоно Камолиддин Шайхни ҳузурига чақириб, Абу Саид ҳукмронлиги даврида мавжуд бўлган барча тартиб-қоидаларга тўла амал қилишни буюради. Шунингдек, Ҳусайн Бойқаро агар ўзига, укаси ёки ўғлига маблағ керак бўлиб, бу маблағларни ундириш тўғрисида буйруқ берилган бўлса-ю, бу буйруқ шариат қоидаларига зид бўлса, бу буйруқларга амал қилмасликни, яъни ноқонуний равишда солиқлар ундирмаслик лозимлигини уқтиради [5. Б. 74].

Ҳусайн Бойқаронинг солиқ борасидаги мазкур чора-тадбирлари оддий халқ оммасининг аҳволини маълум даражада яхшилашга, деҳқонларнинг вайрон бўлган хўжалигини тиклашга ва айни пайтда давлатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга ёрдам берди. Бироқ бу Султон Ҳусайн даврида қонунга хилоф солиқлар умуман бўлмаган, деган хулоса чиқаришга асос бўлмайди. Султон Хусайн маблағ керак бўлган пайтларда Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозорида айтган сўзини қайта-қайта бузиб, халқдан ноқонуний солиқлар ундиргани манбалардан маълум. Хусусан, Султон Ҳусайн Мозандаронда бўлганида зарурат туфайли Муҳаммад Валибекка Ҳирот ва унинг атроф туманлари аҳолисидан 100 минг динор йиғиб, келтиришни буюради. Муҳаммад Валибек туман деҳқонларидан 50 минг динор ундириб, қолган пулни Ҳирот шаҳрининг маҳаллаларидан йиғиш учун киши бошига тенг тақсимлашни режалаштиради. Бироқ бундан хабар топган Алишер Навоий Ҳирот аҳолисидан йиғилиши лозим бўлган маблағни ўз ҳисобидан тўлаб юборган. Бу биргина мисол бўлиб, Ҳусайн Бойқаро томонидан халққа солинган бир қанча қўшимча солиқларни Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан тўлаган ҳолатлар кўп бўлган [14. Б. 112].

XV аср охири – XVI аср бошларидаги Мовароуннаҳрнинг молиявий аҳволи ҳақидаги айрим маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида келтирилади. Жумладан, Бобур темурий Султон Маҳмуд мирзо давридаги давлатнинг аҳволини тавсифлаб, шундай баён этади: “Султон Маҳмуд мирзо қаттиққўл ва тартибли, девонпараст, маҳкамада кўп ўтирадиган киши эди. Ҳисоб илмини яхши билар, бироқ табъи зулм ва бузуқликка мойил эди. Самарқандга киргач, ўзгача тартиб ва тутум ўрнатди, янги солиқлар чиқара бошлади. Бурун ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга тегишли кишилар, пир ҳимояси боис, кўп фақир-мискинлар хирож ва солиқлардан халос бўлардилар, Султон Маҳмуд мирзо одамлари шуларга ҳам иззат-икром кўрсатиш нари турсин, зулм ва зўрлик кўрсата бошладилар. Бундай тазйиқлар Хожанинг авлодига нисбатан ҳам қўлланилди. Бундан ташқари, ўзи қандай золим ва ахлоқсиз бўлса, беку кичик беклар ва навкару хизматчиларининг барчаси ҳам шундай золим эдиларки, Ҳисор эли, хусусан, Хусравшоҳга тааллуқли эл ҳамиша ичкилик ва бузуқчилик билан машғул бўлди” [15. Б. 34].

Бобурнинг бу сўзлари Мовароуннаҳрда халққа нисбатан ноқонуний солиқлар солиш, зулм ва зўравонликлар қилиш Хуросондаги Султон Ҳусайн давлатига қараганда кўпроқ содир бўлаётганидан далолат беради. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари қашшоқ аҳолидан мажбуран ундирилган маблағларга қаноат қилмасдан, солиқ ва бож борасида маълум имтиёзларга эга бўлган зодагонлар табақасига мансуб кишилардан ҳам солиқ олишга ҳаракат қилганлар. Темурий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги ва зўравонлиги, айниқса, Шайбонийхон қўшинларининг ҳужуми муносабати билан Мовароуннаҳрда авж олган ўзаро урушлар даврида янада кучаяди. Яъни, Фарғонада Узун Ҳасаннинг қисқа муддатли ҳукмронлиги даврида аҳоли, айниқса, деҳқонлар ҳар хил солиқ ва меҳнат мажбуриятларига тортилиб, амалдорларнинг ўзбошимчаликларидан оғир азият чекканлар [3. Б. 41].

Кўриб ўтилаётган даврда Мовароуннаҳрда қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган аҳолидан олинадиган солиқлар ва унинг турлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, солиқлар юқорида айтиб ўтилганидек ҳам пул ҳисобида, ҳам маҳсулот ҳисобида ундирилган. Бобурнинг Қобул, Ғазни ва уларга қарам бўлган вилоятлар аҳолисига 30 минг харвор ғалла миқдорида солиқ юклангани ҳақидаги сўзлари 1503–1504 йилларга тегишлидир. Бобур шундай ёзади: “Қобулнинг даромад ва ҳосилини

билмай туриб, бундай катта солиқ юкланганидан вилоят анча хароб бўлди” [15. Б. 157]. Темурийлар давридаги асосий ер солиғи бўлмиш хирожнинг миқдори ҳақида мавжуд манбалар аниқ ва батафсил маълумот бермаса-да, улар бутун темурийлар даври бўйича хирожнинг ҳажмини аниқлаш имконини беради. Масалан, Шарафиддин Али Яздийга кўра, шаҳзода Мироншоҳ ҳукмронлик қилган Эрон ва Озарбайжоннинг йиллик хирожи (мол) икки донк* эди. Бинобарин, бу маълумотдан келиб чиққан ҳолда, хирожнинг ҳажми афтидан, ҳосилнинг учдан бир қисмини ташкил қилган ва Амир Темур салтанатининг бошқа минтақаларида ҳам худди шундай меъёрга амал қилганлар.

Абдураззоқ Самарқандий солиқчиларнинг қонунбузарликлари ва деҳқонларга нисбатан қўллаган зулми ҳақида ёзар экан, Султон Абу Саид ҳижрий 855 (1460–1461) йилда мамлакатда хирож йиғиш давридаги тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида бундан буён ҳар йили деҳқонлардан хирожни икки донк ҳажмда (яъни, ҳосилнинг учдан бир қисми миқдорида) ундирилишини буюради [13. Б. 218]. Хирож борасида Заҳириддин Бобурнинг фикрича, ер эгаси ерга ишлов беришга қодир бўлиб, ер экин етиштиришга яроқли бўлсада, аммо шунга қарамай ер фойдаланилмай қолса, деҳқон фойдаланилмаган ер учун хирож тўлаши шарт эди. Бобур хирожни анъанавий тарзда икки тоифага бўлади: муқасима ва муаззаф. Унинг маълумотларидаги энг муҳим жиҳат – хирож ҳажмининг аниқ кўрсатилишидир. Муқосима йиллик ҳосилнинг 1/3 қисмидан тенг ярмигача қисмини ташкил этган, муаззаф эса жариб (экин майдони ҳажми)дан ундирилган [4. Б. 74].

XVI асрдан то XIX асрнинг биринчи ярмигача Ўрта Осиёда хирож икки шаклда қўлланган. Биринчи шакл – Хирожи Муаззаф бўлиб, унинг миқдори олинган ҳосилдан ва, умуман олганда, у ерда экинлар мавжудлигидан қатъи назар муайян ер майдони учун бир марта ва абадий белгиланган. Бу солиқ одатда йилига икки марта – баҳор ва кузда натура ва пул шаклида ундирилар эди. Иккинчи шакл – Хирожи Муқосима – етиштирилган ҳосилнинг маълум бир қисмини ташкил этувчи ер солиғи бўлиб, у турли вилоятлар ва турли ерлар учун турлича белгиланган. Бу солиқ ҳам натура ёки пул кўринишида олинган [16. Б. 59]. Темурийлар даврида аграр муносабатларда мавжуд бўлган солиқ, яъни хирожнинг катта-кичиклиги ҳақида бахс юритиш учун темурийлар давридан олдинги ва кейинги даврлардаги солиқ сиёсатига доир манбалардаги мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш, ўзаро таққослаш лозим бўлади. Чунончи, Ҳамдуллоҳ Казвинийнинг гувоҳлик беришича, Халокуийлар даврида хусусий ерлардан олинган хирожнинг ҳажми ҳосилнинг учдан бир қисмини ташкил қилган [17. Б. 116].

“XVI асрда ишлов бериладиган, унумдор мулк ерларга эгалик қилган деҳқонлар тўлаган ер солиғи икки турли бўлган. Биринчи кўринишда солиқ миқдори етиштирилган ҳосилнинг аниқ миқдори бўйича белгиланган ва одатда умумий ҳосилнинг 30% ини ташкил қилган, бироқ унинг ҳажми ҳосилнинг 40% ини ташкил этиши ҳам мумкин эди. Иккинчи кўринишда солиқ турли тўловларни ўз ичига олган, уларнинг умумий миқдори номаълумдир [18. Б. 32]. Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар шундай хулоса чиқариш имконини берадики, хирож асосан етиштирилган ҳосилнинг учдан бир қисмига тенг бўлган ва бу меъёрга бир неча асрлар давомида амал қилинган. У баъзи ҳолларда кўпайган, баъзан эса, эҳтимол, камайган. Эътиборли жиҳати, XV–XVI асрларда айрим қўшни мамлакатларда хирожнинг ҳажми темурийлар давлатидаги каби миқдорда белгиланган. Масалан, XV асрда Кавказорти давлатларида девон (ғазна) ёки маҳаллий ҳукмдорларга тўланадиган хирож миқдори қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўндан уч қисмини ташкил қилган.

Турли тоифадаги ерларда ишлайдиган деҳқонлардан ундириладиган солиқ ставкалари ва улардаги фарқлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, манбаларда бу ҳақда маълумот йўқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Шарафиддин Али Яздий, Абдурраззоқ Самарқандий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ер мулкининг турли тоифалари учун асосан бир хил солиқ меъёрлари ҳақида маълумот берадилар. Бу эса деҳқонларнинг барча тоифадаги ерларидан ундириладиган солиқ меъёрлари бир хил бўлганлигини кўрсатади. Худди шу ҳолат XVI–XIX аср бошларида ҳам сақланиб қолган, бунда давлат ерлари хусусий мулкдаги ерлар каби хирожга бўйсундирилган. Солиқ солишда амлок ва хирож ерлари ўртасида фарқ бўлмаган, фарқ фақат ҳуқуқий маънода кузатилган, холос [19. Б. 29].

Темурийлар даврида ер солиқлари ундирилишининг икки кўринишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Унинг биринчи кўриниши марказлашган солиқ йиғими бўлиб, у давлатга қарашли ва мулк ерлардан давлат молия аппарати ходимлари томонидан хирож сифатида ундирилган. Иккинчи кўриниш – йирик зодагонларга суюрғол қилиб берилган ерлардан тўғридан-тўғри ушбу ер эгалари фойдасига деҳқонлардан ундириладиган солиқлар. Иккинчи кўринишда солиқ миқдори ер эгаси томонидан белгиланган ва унинг аниқ меъёри бўлмаган. Шунингдек, солиқ ер эгаси хоҳлаган пайтда ундирилган. Хирож эса қоида тариқасида йилига бир марта, одатда кузда тўланиши керак эди. Аммо бу қоидага ҳар доим ҳам риоя этилмаган. Айниқса, ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар даврида хирожнинг муддатидан олдин йиғиб олиш ҳолатлари ҳам юз берганки, бу оддий зироатчи аҳолининг хўжалигига катта зарар етказган. Қолаверса, бир йилда аҳолидан бир неча бор

*Донк – бирон-бир нарсанинг олтидан бир қисми; бу ерда сўз етиштирилган ҳосилнинг учдан бир қисми хусусида бормоқда. Бу ҳақда қаранг: Шарафиддин Али Йаздий. Зафарнома. – Б. 278.

хирож йиғиб олиш ҳолатлари ҳам содир бўлгани юқорида аниқ мисоллар билан келтириб ўтилди. Юқорида қайд этилган 1460–1461 йилларда Султон Абу Саид хирож ҳажмини ҳосилнинг учдан бир қисми (икки донк) миқдорида белгилаб, уни тўлаш муддатларини уч қисмга бўлиб кўрсатади: биринчи қисмни – саратон ойида (21 июнь – 20 июль); иккинчи қисмни – сунбула ва мезон ойларида (22 август – 20 октябрь), қолган учинчи қисмини - қавс ойида (22 ноябрь – 21 декабрь) [13. Б. 220]. Бобурнинг фикрига кўра, йилига икки марта ҳосил олинадиган жойлардан хирож ҳам икки марта ундирилиши лозим эди [3. Б. 81].

Хуллас, Амир Темур солиқ сиёсатида ўз даврининг илғор молиявий тамойилларини жорий қилдики, бу тадбир иқтисодий стратегиянинг таркибий қисми сифатида марказлашган йирик салтанатни барпо этиш ва мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда Амир Темур асос солган солиқ тизими ва сиёсати умумий ҳолда давом эттирилди ҳамда маълум маънода такомиллаштирилди.

Адабиётлар:

1. *Бартольд В.В.* Улугбек и его время. / В кн.: Сочинения. Том II. Часть 1. – Москва: Наука, 1964. – 661 с.
2. *Молчанов А.А.* К характеристике налоговой системы в Герате эпохи Алишера Навои // Родоначальник узбекской литературы. Сборник статей. – Ташкент, 1940. – С. 161–169.
3. *Азимджанова С.А.* Из истории Ферганы второй половины XV в. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1957. – 94 с.
4. *Азимджанова С.А.* Экономические взгляды Захириддина Мухаммеда Бабура / Из истории развития общественно-экономической мысли в Узбекистане в XV-XVI вв. Сборник статей. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960. – 114 с.
5. *Махмудов Н.* Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии в XIV–XV вв. – Душанбе: Дониш, 1966. – 132 с.
6. Темур тузуклари. / Форс тилидан А.Соғуний ва Х.Кароматов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 144 б.
7. *Шарафуддин Али Йаздий.* Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б.
8. *Ибн Арабшоҳ.* Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. 1-китоб. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 328 б.
9. *Низомиддин Шомий.* Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 550 б.
10. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том I. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. / Под ред. С.Л. Волина, А.А. Ромаскевича, и А.Ю. Якубовского. – Москва-Ленинград: АН СССР, 1939. – 612 с.
11. *Якубовский А.Ю.* Вопросы периодизации истории Средней Азии в средние века (XI–XV вв.) / Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института истории материальной культуры. XXVIII. – Москва – Ленинград: Изд. АН СССР, 1949. – С. 30–44.
12. *Петрушевский И.П.* Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII–XIV веков. – Москва-Ленинград: Изд. АН СССР, 1960. – 492 с.
13. *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. II жилд. 2-3 қисмлар. 1429–1470 йил воқеалари. /Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳли луғатлар муаллифи А.Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 832 б.
14. *Муҳаммаджонов А.* Темур ва темурийлар салтанати (Тарихий очерк). – Тошкент: Қомус, 1994. – 188 б.
15. *Бобур З.М.* Бобурнома. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – 440 б.
16. *Абдураимов М.А.* Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX вв. Том 1. – Ташкент, 1966. – 369 с.
17. *Беленицкий А.М.* К вопросу о социальных отношениях в Иране в Хулагуидскую эпоху // Советское востоковедение. V. – Москва-Ленинград: Изд. АН СССР, 1948. – С. 111–128.
18. *Давидович Е.А.* Материалы для характеристики экономики и социальных отношений в Средней Азии XVI в. // Известия АН ТаджССР. Вып. 1 (24), 1961. – С. 25–44.
19. *Абдураимов М.А.* К изучению истории социально-экономической жизни государства Темуридов // Из истории развития общественно-экономической жизни в Узбекистане в XV–XVI вв. – Ташкент, 1960. – С. 5–32.

TAX POLICY IN AGRARIAN RELATIONS DURING THE PERIOD OF AMIR TEMUR AND TIMURIDES

M.G. Abdullaev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 25-32.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Amir Temur, temurids, taxes, tax system, haraj, land ownership, "Temur Code", Mavaraunnahr, Khorasan, farmers, agriculture.

During the period of Amir Temur and the Temurids in Movarounnahr and Hurosan, there were four forms of land ownership: the devonial estate - state lands, property - private lands, property -lands run by madrassas and mosques. The main land tax of the Amir Temur period was fragile, as in previous centuries. According to sources, Amir Temur made use of all the means that could contribute to the development of agriculture, and took measures aimed at the development of the industry.

Amir Temur severely punished tax officials who levied illegal payments from ordinary people contrary to the standards established by the central government. The sources also contain the texts of a number of decrees of Amir Temur, which strictly read out that local khokimiyats and tax officials do not allow abuse of existing norms and rules when collecting taxes from the population. Because Amir Temur realized that the common taxpayer people are the primary pillar of the country. He saw and understood that the mutual wars of the local khokim, which occurred before the conquest of power in Movarounnahr, led to the fact that in Movarounnahr thousands of farms became poor, which, in turn, put the country's economy in a difficult situation. Amir Temur, pursuing a tax policy, primarily represented the well-being of the country and the interests of the people. He also stressed that the abuse of tax officials in relation to their duties weakens the usual flow of taxes entering the state treasury.

After the death of Amir Temur and the establishment of the power of Mirzo Shahrukh, there were no special changes in the tax system of the country. Unfortunately, the historical sources of this period do not take into account accurate information on the number of thefts levied on peasants. It can be concluded that, perhaps, even during the time of Shahrukh, the number of hiroz was in the size of the time of Amir Temur. It is noteworthy that during the period of Mirzo Shahrukh, the amount of taxes and obligations imposed by agreement on the rulers of different countries and regions was left almost unchanged, as in the time of Amir Temur. During the reign of Mirzo Ulugbek, the land tax in Movarounnahr was reduced to a minimum, which, of course, contributed to the well-being of the agricultural population.

During the Temurian period, two types of land tax are widespread: the first type is a centralized tax levy levied on public and private lands by employees of the state financial apparatus as fragile. The second type is the collection of taxes on land owned by large landowners.

References:

1. Bartol'd, V.V. (1964) *Ulugbek i ego vremya* [Ulugbek and his time]. In: Sochineniya [Writings]. Vol. 2. Part 1. Moscow: Nauka.

2. Molchanov, A.A. (1940) K harakteristike nalogovoj sistemy v Gerate epohi Alishera Navoi [To the characteristics of the tax system in Herat of the era of Alisher Navoi]. In: Rodonachal'nik uzbekskoj literatury [Founder of Uzbek literature]. A collection of articles. Tashkent. Pp. 161-169.

3. Azimdzhanova, S.A. (1957) *Iz istorii Fergany vtoroj poloviny XV v.* [From the history of Ferghana in the second half of the 15th century]. Tashkent: Izdatel'stvo AN UzSSR.

4. Azimdzhanova, S.A. (1960) *Ekonomicheskie vzglyady Zahiriddina Muhammeda Babura* [Economic views of Zahiriddin Muhammad Babur]. In: Iz istorii razvitiya obshchestvenno-ekonomicheskoj mysli v Uzbekistane v XV-XVI vv. [From the history of the development of socio-economic thought in Uzbekistan in the XV-XVI centuries]. Collection of articles. Tashkent: Izdatel'stvo AN UzSSR.

5. Mahmudov, N. (1966) *Zemledelie i agrarnye otnosheniya v Srednej Azii v XIV-XV vv* [Agriculture and agrarian relations in Central Asia in the XIV-XV centuries]. Dushanbe: Donish.

6. *Temur tuzuklari*. (1991) [Temur structures]. Translation from Persian by A.Soguni and H.Karomatov. Tashkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi.

7. Sharafuddin, A.Ya.. (1997) *Zafarnoma* [The Zapharnoma]. Tashkent: Shark.

8. Ibn Arabshoh. (1992) Ajoyib al-maqdur fi tarixi Taymur. Words, translations and comments from Arabic Uvatov prepared. Executive Editor A.Urinbaev. Book 1. Tashkent: Mehnat.

9. Nizomiddin Shomiy. (1996) *Zafarnoma* [The Zapharnoma]. Tashkent: O‘zbekiston.

10. Volina, S.L. (ed.) (1939) Materialy po istorii turkmen i Turkmenii. VII-XV vv. Arabskie i persidskie istochniki [Materials on the history of Turkmen and Turkmenistan.VII-XV centuries. Arab and Persian sources]. Vol. I. Moscow-Leningrad: AN SSSR.

11. Yakubovskij, A.Yu. (1949) *Voprosy periodizacii istorii Srednej Azii v srednie veka (XI–XV vv.)* [Issues of periodization of the history of Central Asia in the Middle Ages (XI-XV centuries)]. In: Kratkie soobshcheniya o dokladah i polevyh issledovaniyah Instituta istorii material'noj kul'tury. XXVIII [Brief reports on reports and field studies of the Institute of the History of Material Culture. XXVIII]. Moscow–Leningrad: Izdatel'stvo AN SSSR.

12. Petrushevskij, I.P. (1960) *Zemledelie i agrarnye otnosheniya v Irane XIII-XIV vekov* [Agriculture and agrarian relations in Iran of the XIII-XIV centuries]. Moskow-Leningrad: Izdatel'stvo AN SSSR.

13. Abdurazzoq Samarqandiy. (2008) *Matlai sa'dayn va majmai baxrayn* [Matlai sa'dayn va majmai baxrayn]. Vol. 2. Parts 2-3. The events of 1429–1470. Tashkent: O'zbekiston.

14. Muhammadjonov, A. (1994) *Temur va temuriylar saltanati* [The empire of Temur and temurids]. Historical essay. Tashkent: Qomus.

15. Bobur, Z.M. (2019) *Boburnoma* [Baburnoma]. Tashkent: O'zbekiston.

16. Abduraimov, M.A. (1966) *Ocherki agrarnyh otnoshenij v Buharskom hanstve v XVI – pervoj polovine XIX vv.* [Essays on agrarian relations in the Bukhara Khanate in the XVI – first half of the XIX centuries]. Vol.1. Tashkent: Fan.

17. Belenickij, A.M. (1948) K voprosu o social'nyh otnosheniyah v Irane v Hulaguidskuyu epohu [On the issue of social relations in Iran in the Hulaguid era]. *Sovetskoe vostokovedenie V.* Moscow-Leningrad: Izdatel'stvo AN SSSR. Pp. 111-128

18. Davidovich, E.A.(1961) Materialy dlya harakteristiki ekonomiki i social'nyh otnoshenij v Srednej Azii HVI v. [Materials for the characterization of economics and social relations in Central Asia of the XVI century*]. Izvestiya Akademii nauk TadzhSSR*. Issue 1 (24). Pp. 25-44.

19. Abduraimov, M.A. (1960) K izucheniyu istorii social'no-ekonomicheskoj zhizni gosudarstva Temuridov [To study the history of the socio-economic life of the Temurid state]. In: Iz istorii razvitiya obshchestvenno-ekonomicheskoj zhizni v Uzbekistane v HV–HVI vv. [From the history of the development of socio-economic life in Uzbekistan in the XV-XVI centuries]. Tashkent. Pp. 5-32.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АБДУЛЛАЕВ Музробжон Ғуломович – тарих фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори в.б. E-mail: muzrobjon@list.ru